

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1299-ҳадис

1299/3138 - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: بَيْنَمَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَّمَ يَفْسِمُ غَنِيمَةً بِالْجُعْرَانَةِ، إِذْ قَالَ لَهُ رَجُلٌ: اءَدِلْ، فَقَالَ لَهُ: لَقَدْ شَقِيتَ إِنْ لَمْ أَعْدِلْ.

1299.3138. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жиъронада ўлжа тақсимлаётган эдилар, тўсатдан бир киши у зотга: «Адолат қилинг!» деб қолди. Шунда у зот унга: **«Агар адолат қилмаган бўлсам, бадбахт бўлибсан!»** дедилар».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI